

Халқ сўзи


Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 19 март, № 57 (4720)

Пайшанба



Кеча Олий Махлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг «Ўзбекистон Республикасида парламентаризм тараққиёти» мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

ИСЛОҲОТЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Унда парламент қўйи палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби тингловчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда истиқлол йилларининг дастлабки кунларида миллий қонунчилик алоҳида эътибор қаратилди. Шу боис қисқа давр ичида миллий қонунчилик тизими яратилди. Икки палатали парламентга ўтирилиши натижасида қонун ижодкорлиги янада такомиллашди, Президентимиз томонидан илгари сурилган мамлакатни ислоҳ этиш ҳамда модериализация йўлида демократлаштириш ва эркинлаштириш концепцияси ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топди.

Айтиш жоизки, ўтган вақт мобайнида Олий Махлис Қонунчилик палатаси 200 дан ортиқ қонунларни қабул қилди. Депутат ва сайловчи ўртасида ҳамкорлик қу-

Мамлакатимизда амалга оширилган ишлар натижасида фермерлик ҳаракати ва тадбиркорлик субъектлари иқтисодий таъминоти ривожлантиришда қўшма кўлаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этяпти.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

Президент соврини учун аънавий тарзда ўтказиб келинган «Ташаббус» курик-танлови эса ушбу соҳа вакиллари янада кўлаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этяпти.

Андижон шаҳрида «Ташаббус — 2009»нинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда шахар ва туман босқичларида голиб чиққан элликлдан ортиқ тадбиркор, фермер ҳамда хунарманда иштирок этди.

Танлов якунига кўра, Хўжабод туманидаги «Барчиной» хусусий корхонаси раҳбари Раҳимжон Раҳимбердиев «Энг яхши тадбиркор», Избоскан туманидаги «Избоскан асали» фермер хўжалиги раҳбари Роҳатбек Тўйчиев «Энг яхши фермер» ҳамда олтинқуллик миллий кўғирчоқлар устаси Сайёрахан Жўраева «Энг яхши хунарман» номинацияларида биринчи ўринни кўлга киритди.

Эндликда улар танловнинг республика босқичида қатнашилади.

Д. МУРОДОВ.

ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Мамлакатимизда Президент Исрол Каримов раҳнамолигида енгил ва тўқимачилик саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Натижада кейинги йилларда иқтисодиётнинг ушбу тармоғи сифат жиҳатидан янги босқичга чиқди ва заминимизда етиштирилаётган пахта хом ашёсини ўзимизда қайта ишлаш ҳажми кескин кўпайди. Айниқса, чет давлатлар билан алоқаларнинг мустаҳкамланаётгани муваффақиятларнинг бош омили бўлаётир.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Кеча Тошкент шаҳрида «Платинум инвест» қўшма корхонаси иш бошлади. Бу мамлакатимиз енгил саноатчиларининг Наврўз умумхалқ байрамига муносиб тўғриси бўлди. Гап шундаки, хитойлик ишбилармон-

лар билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур корхона «Ўзбек-гилсаноат» давлат акциядорлик компанияси тизимида байрам арасида ишга туширилаётган 7 та корхонадан биридир. Айтиш жоизки, мустақиллик

йилларида тармоққа хориж инвестицияси жалб этилиб, мавжуд фабрикалар техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланди, кўплаб янги объектлар ишга туширилди. Айни пайтда компания тизимида 200 дан ортиқ корхона-

лар фаолият кўрсатаётган бўлса, шунинг 100 га яқини бевосита хориж сармояси ҳисобига ташкил этилгани эътиборга лойиқдир.

Қувонарлиси, уларнинг сони йил сайин ортиб бораётгани. Масалан, 2008 йилда чет эл ин-

весторларнинг сармояси ҳисобига 20 дан зиёд янги корхона ишга туширилди. Бунинг натижасида жойларда 5 мингта янги иш ўрни очилди, ишлаб чиқариш ҳажми

(Давоми 2-бетда).

Одил Мухаммад Абдурасул Ҳасан ҲАЁТ:

ЎЗБЕКИСТОН — УЛКАН ИМКОНияТЛАРГА ЭГА МАМЛАКАТ

Наврўз байрами арафасида Ўза мухбири Қувайт Давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Одил Мухаммад Абдурасул Ҳасан ҲАЁТ билан суҳбатлашди.

— Элчи жаноблари, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ўзаро дўстлик, ҳурмат ва ишонч тамойилларига асосланган. Ўзаро алоқаларнинг бугунги юксак даражаси етишида икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар муҳим омили бўлмоқда. 2004 йил январь ойида Ўзбекистон Президентини Исрол Каримов Қувайтга расмий ташриф буюрди. Қувайт Давлати Амири шайх Сабах ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ 2008 йил июли ойида Ўзбекистонга расмий ташриф би-

лани келди. Ушбу ташрифлар асосида икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлайдиган қатор ҳужжатлар имзоланди. Улар орасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қочиб қўйиб ҳужжатлар бор.

Ўзбекистон — Марказий Осиёдаги энг муҳим давлат. Шу боис Қувайт ўзининг ушбу минтақадаги ягона элчихонасини 2001 йили айнан Ўзбекистонда очди.

Ўзбекистон табиий ресурсларга бой. Жумладан, энергетика соҳасида ҳам улкан имкониятларга эга. Икки то-

монлама муносабатларда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик муҳим ўрин тутаяди. Қувайт араб иқтисодий ривожланиш жағма-сини билан биргаликда қатор лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалга оширилди ва оширилмоқда.

— Суҳбатимиз Наврўз арафасида ўтмоқда. Ўзбекистонда миллий кадрларга эътибор ҳақида фикрингиз?

— Юртингизда Наврўз айёми катта тантана билан нишонланади гузал аънанадир. Бу акс ва муқаддас замин яшил либосга бурканиб, ўзининг бетақор кўрқу жамолини намоён қилаётган, баҳор нафаси уфуриб турган

ни, тарихий обидаларни, муқаддас қадамжоларни асраб-авайлаш, таъмирлаш, ободонлаштириш ва келгуси авлодларга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли хайри ишлар ҳар қандай кишини ҳайратлантиради. Мен Марғилон шаҳрининг юбилейига бағишланган шодоналарда иштирок этиш бахтига мушарраф бўлганман. Айни дамда юртингизда қадим ва навиқорон Тошкентнинг 2200 йиллик тўйини кенг нишонлашга катта таяйишлар қилинганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Шарқ дарвозаси саналмиш ушбу муаззам шаҳарда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари таъсирга лойик. Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган азим ва мафтункор Тошкентнинг бой тарихи, мезморий обидалари, муқаддас қадамжолари ва маданий ёдгорликларини, маҳобатли иншоотлари ва ҳар қандам тараққиёт уфуриб турган замин билан миллионлаб хоржиликлар учун ҳам азиз бўлиб қолавереди.

Ўза мухбири Иброда УМАРОВА суҳбатлашди.

Тадбир

Хоразм вилоятида Олий Махлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг «Таълим тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ нормаларининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида татбиқ этилиши» мавзусидаги семинари бўлиб ўтди.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ТАЪЛИМ

Унда халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши депутатлари, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари раҳбарлари, шунингдек, соҳага тааллуқли идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Анжуманда таълим соҳасидаги халқаро мезъорлар ва талабларнинг миллий қонунчилигимизга уйғунлаштирилиши бугунги кунда таълим соҳасини янада юксалтиришда катта аҳамиятга эга бўлаётганлиги қайд этиб ўтилди. Тадбир иштирокчилари миллий қонунчилигимизда халқимизнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизими шаклланишини таъкидладилар. Шу билан бирга, таълим соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш, соҳага доир қонунчиликни янада такомиллаштириш ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларини татбиқ этиш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакат бўйлаб

Янгиликлар ва эзулик айёми

Жиззах шаҳридаги «Ўрда» ёшлар экологик боғида «Ассалом, Наврўз!» фестивали бўлиб ўтди.

Ўтган йили Наврўз олди умумхалқ ҳаширида Жиззах шаҳрининг ушбу қадимий максадида экологик боғ барпо этиш ишлари бошланган эди. Мутасадди ташкилотлар ва ёшларнинг куч-гайрати билан бу ерда қисқа фурсатда кўркам макмуа бунёд қилинди. Эндликда «Ўрда» ёшлар экологик боғи дам олиш ва маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш жойига айланди.

Янгиликлар ва эзулик айёмига бағишланган «Ассалом, Наврўз!» фестивали ҳам мазкур сўлим макмуада ўтказилди. Фестивалда Жиззах шаҳри ва барча туманлардан келган фольклор-этнография дасталари, миллий ўйинлар усталари, фуқаролар йиғинлари вакиллари, мактабгача таълим муассасалари ҳамда мактаблар, касб-хунар коллежлари ўқувчилари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

Бухородаги «Ўз-Корей медицина» қўшма корхонаси Маҳаллий хом ашё ҳисобига

Айни пайтда маҳсулот тури кўпайиб, ҳажми ошиб бормоқда. Мисол учун, жорий йилнинг ўтган даврида истеъмолчиларга ўн миллион дон бир марта ишлатилган шприц етказиб берилган. Бундан ташқари, қўшма корхонада 2 миллиграммик шприц ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сервис хизмати янада яхшиланади

2009 йилда мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш орқали

140 мингта

янги иш ўрни ташкил этилади.

Бу, ўз навбатида, қишлоқларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг сифат жиҳатидан янада юксалишига хизмат қилади.

Б. РАҚАМ ШАРХИ

Тошкент давлат техника университети олимлари тўқимачилик саноати оқова сувларини рангловчи модала ва биримлардан тозалашнинг янги технологиясини ишлаб чиқдилар.

Ҳам фойдали, ҳам тежамли

Тақлиф қилинган технология маҳаллий маҳсулотлар асосида тайёрланган адсорбент ва реагентлар ёрдамида суви тозалашнинг янги усули бўлиб, у сув ресурсларини тежаш имконини беради. Махсулот, асосан, Ангрэн ГРЭСидаги қўмир толқонини ёқибдан пайдо бўлган қулдан олинади.

Технология Фарғона тўқимачилик комбинати ва Нукус наматлар фабрикасида синовдан ўтказилди. Ҳозирда олимлар мазкур технологияни локбўёқ саноатининг рангланган оқова сувларини тозалашда ҳам қўллаш ниятдалар.

О. ПАРПИЕВ.

Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтининг моддий-техник базаси лаборатория анжомлари ва ускуналар билан бойийдиган бўлди.

Илмий тадқиқотларга кўмак

Эътиборлиси, 51 минг АҚШ доллари миқдоридида бу харажатлар Япония ҳукумати томонидан молиялаштирилди.

Эътироф этиш керакки, 2002 йилдан буён Япония ҳукумати кўмаги билан «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институтини реставрацияловчи материаллар билан жиҳозлаш» лойиҳаси доирасида умумий қиймати 385 минг АҚШ долларига тенг бўлган олти лойиҳа амалга оширилди.

И. ИСОМИДИНОВ.

Қишлоқ корхонаси кенгаймоқда

Нарпай туманидаги «10-Қишлоқ қурилиш корхонаси» бетон қуйилмалари, эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Корхона ўтган йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлаб, 189,2 миллион сўм даромадга эришди. Жорий йилда ҳам жамоа маҳсулотларига талаб юқори. Йил бошидан то шу кунга қадар 100 миллион сўмлик маҳсулот бозорга чиқарилганини бунинг тасдиғидир.

Яқинда мазкур корхонада ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига қўшма иш ўринлари яратилиб, 15 нафар қишлоқ ёшлари ишга жалб қилинди.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Жиддий таъсир қилмайди

Жаҳон банки маълумотларига қараганда, жорий йилда Хитойда ялли ички маҳсулот ҳажми 7,5 фоизгача қисқариши мумкин. Бу ҳақда «Reuters» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Молия муассасаси вакилларининг изохлашича, ишлаб чиқариш миқдори камайса-да, бу Хитой иқтисодиётига у қадар жиддий таъсир кўрсатмайд.

Раҳбар алмашмоқда

Япониянинг «Toshiba» корпорацияси директори Асгутоси Нисида истеъфога чиқди, дейилади «AFP» ахборот агентлиги хабариди.

Унинг ишдан бўшашига сўнги пайтларда иқтисодий зарар миқдорининг кескин ошиб кетгани сабаб қилиб қўрсатилмоқда. Жумладан, корпорация ўтган йилни 2,8 миллиард АҚШ доллари миқдорида зиён билан якунлаган. Нисида ўрнига эса муносив номзод сифатида Норю Сасаки қўрилмоқда. Чунки Сасаки бошқарган бўлим 2008 йилда яхши даромад олган ва унинг тажрибаси корпорация ишларини ўнглаш учун қўл келиши мумкин.



Шунингдек, «Toshiba» 4,5 миң нафар ходими билан тузилган меҳнат шартномасини ҳам бекор қилмоқчи.

Гаровдан озод қилинди

«Колумбия инқилоб ҳарбий кучлари» жиноий гуруҳи гаровга олинган швед фуқароси Эрик Роланд Ларссонни озод этган. Бу ҳақда «France Presse» ахборот агентлиги мамлакат разведка хизмати маълумотларига таяниб хабар тарқатди.

Ларссон рафиқаси билан 2007 йилда босқинчилар қўлига тушиб қолган. Лекин унинг хотини тутқунликдан қочиб кетишининг удрасидан чиққан.

Хозирча Ларссоннинг қандай шарт эвазига қўйиб юборилгани ҳақида бирор гап йўқ.

Харитадаги чалкашлик

Бразилияда мактабларда ўтилаётган география фани учун тайёрланган харитада Лотин Америкаси мамлакатлари орасидан Эквадор нуқтиб қолдирилган.



Саккизоёқлар ёши маълум

АҚШнинг палеонтология ассоциацияси томонидан маълум қилинишича, энг қадимий саккизоёқларнинг қолдиқлари топилган.

Олимларнинг ҳисоб-киتابларига қараганда, улар бундан 95 миллион йил муқаддам яшаган. Шу пайтага саккизоёқлар ёши бир неча юз миллион йил, дея белгиланаётган.

Хориқ матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Яқинда Туркиянинг «Turkish airlines» авиакомпаниясига тегишли «Boeing 737-800» йўловчи самолётининг Амстердамдаги Схипхол халқаро аэропортига қўниш вақтида ҳалоқатга учраши одамларнинг ҳаво транспортидан фойдаланишига бўлган муносабатини, бир оз бўлса-да, салбий томонга ўзгартди. Уша самолёт фалокатидан кейин бахтли тасодиф туфайли омон қолган йўловчилардан бири — ёшгина қизалок шифохонада журналестларга интервю бераркан, «Бундан кейин ҳеч қачон самолётга чиқмайман, чунки жуда қаттиқ қўрқиб кетдим» деди.

ҲАВО ТРАНСПОРТИ ХАВФСИЗМИ?

Самолётда бўлганлардан яна бири — англик Оусан Лорд исми аёл эса қизларнинг руҳий ҳолатини таърифлар экан, уларнинг «Энди самолётга чиқасан деган яраган инсонларни кўраманми?» деган саволига жавоб беришда жуда қийналганини айтди.

Албатта, ҳалоқатга учраган кишиларнинг кўрков ва изтиробга тўла бундай ҳолатларини тушуниш мумкин. Лекин нега шундай бўлди? Очиги, бир маромда парвоз қилиб, ҳатто аэропортига қўнишга ҳам чоғланган самолётнинг қандай қилиб фалокатга йўлиқгани соҳа мутахассисларини каттиқ ўйлантирмоқда.

Келинг, шу ўринда айнан одамларнинг ҳаво транспортига нисбатан ишонсизлиги ва кўрқувни исботлаш асоси ҳамда ҳақиқатга яқин эканига эътибор қаратасан. Сабоби, ўтказилган таҳлиллар бу каби мулоҳазани муносабатларни инкор этиб, йўловчилар учун самолётлар халатли ишончли ва тезкор транспорт воситаси эканини кўрсатмоқда.

Мутахассисларнинг айтишича, технология қанчалик тараққий этмасин, уни бошқариш инсоннинг қўлидадир. Шундай экан, парвоз билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларга ҳам, аввало, одамларнинг ўзлари айбдордирлар. Жумладан, содир бўлган мураккаб катталар сабаблари ўрганилганда, аксарият ҳолларда барчаси шунингдек, «Моторнинг ёғ идишини бир матор билан ушлаб тургандим. Бирдангина шомол турди ва қўлимдаги идиш

эҳтиёт қисмларни нотўғри ўрнатиб, мой етишмаслиги, ёнгил ва мой идишлари қопқонини ёпишини унутиш, самолёт жиҳозлари орасида бирор кераксиз бўлган унутиб қолдириш ёхуд тушириб қўйиш, шунингдек, учувчи ҳамда қўниш вақтида мулкжалдан адашиш, бир хатони тузатаман деб иккинчисини юзага келтириш ва вазиятни янада мураккаблаштириш каби турли-туман хатоларнинг оқибати экани аниқланган. Энг аянчлис эса, бундай ҳолатларнинг аксарияти жудама хунук янқулган. Масалан, 1993 йилда авиация ходимлари билан боғлиқ 122 та хато ҳолатининг сабаби суриштирилганда, уларнинг 13 фойсида мана бунга ўхшаш жавоб учраган: «Моторнинг ёғ идишини бир матор билан ушлаб тургандим. Бирдангина шомол турди ва қўлимдаги идиш

Шаҳр

Хўш, «қора қўти»лар шунчалик мустақам бўлса, нега самолётларни ишлаб чиқаришда айнан уларнинг хом ашёси билан фойдаланилмайди? Гап шундаки, самолётларнинг кам ёнгил сарфлаб, узоқ масофага учуши учун, иложи борича, енгил турдаги хом ашёдан фойдаланилади. Улар асосан алюминий ва пластикдан иборат бўлади. Қолаверса, юқоридан пастга катта тизликда тушаётган лайнерни кўтариб қилиш учун уларнинг худди «қора қўти»лардагидек махсус хом ашёдан ишланган бўлиши катта аҳамият касб этмайд. Агар самолётнинг ичи суёлтирилган қўниш билан тўлдирилса-чи? Тўғри, шу усулни қўллаш мумкин. Лекин бунда ҳам одамларни эмас, фақат электроника жиҳозларини асраб олиш мумкин. Юқуни хулоса шундаки, ҳаво лайнери «қора қўти» хом ашёсидан ишланса, уни бўлиб кетиши эҳтирмоли ва келиши мумкин бўлган ёнгилнинг олдидан олиш мумкин. Бироқ бундай махсуслашдан тайёрланган самолётни ҳавога кўтариш жуда мушкул.

Голландияликлар учувчилар қўниш вақтида автоматик бошқарувдан фойдаланишига, бу фалокат келиб чиқмаган бўлиши мумкин эди, дейишди. Лекин самолётни бир амалга ерга қўнириб, ундаги қўллаб йўловчиларнинг ҳаётини асраб қолган ва бу йўлда қўрбон бўлган уч нафар экипаж аъзосининг ҳаракатлари Туркияда чинакам жасорат сифатида эътироф этилди.

Шавкат ОРТИКОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

жамоаси яқинлашиб келаятган яшарин ва янгилашни байрами — НАВРЎЗ билан барча юртдошларимизни самимий муборакбод этади.

Баҳор айёми муносабати билан банк, сиз азизларга, янги «Ижтимоий рағбат» ҳамда «Соврин плюс» омонатларини таклиф этади.

«Ижтимоий рағбат» омонатига пенсия ва ижтимоий нафақалар олувчилардан пул маблағлари 2 ойдан кам бўлмаган муддатта Халқ банкининг барча бўлимлари орқали қабул қилинади.

Омонат бўйича фоиз даромадлари ҳар ойда тўланиши билан бирга, ҳар ойда ютуқлар тиражи ўтказилиб, омонатчилар 4000 дан ортиқ пул ютуқларининг соҳиби бўлиши имкониятига эгалар.

«Соврин плюс» омонатига эса, маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатта чекланмаган миқдорда банкнинг барча бўлимлари орқали қабул қилинади.

Бу омонат тури бўйича сиз фоиз даромадларини олиш билан бир вақтда, қўшимча равишда 5000 000 сўмгача бўлган қўллаб пул ютуқлари совриндори ҳам бўлиши имкониятига эга бўласиз.



Лицензия № 25.

Халқ банкида аҳоли омонатлари дахлсизлиги давлат томонидан қафолатланган!

Мурожаат учун телефон: **150-12-91.**

Республика Кўчмас мулк биржаси — 15 ёшда!

«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

бошланғич баҳоси босқинча-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аўкцион савдосига таклиф этади!

2009 йил 16 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аўкцион савдосига таклиф қилинган шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан қўйидаги мулклар қўйилмоқда:

- Хоразм вилояти хўжалик судининг 2008 йил 4 январдаги 8023н-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Хоразм автойўл» махсус йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш давлат қорхонасига қарашли бўлган қўйидаги қўчмас мулклар:
 - Урганч шаҳри, Биноқор қўчаси, 1-йўлак, 8-уйда жойлашган, қурилиш ости ер майдони 1362,27 кв.м.ни ташкил қилган, 20 кишилик меҳмонхона тиривда қурилган 2 қаватли турар жой биноси.
Бошланғич баҳоси — 360 988 883 сўм.
 - Урганч шаҳри, Хива шоҳқўчасининг 1 км.да жойлашган, умумий ер майдони 32792,37 кв.м., қурилиш ости ер майдони 4940,34 кв.м.ни ташкил қилган автобаза бино ва ишботлари.
Бошланғич баҳоси — 330 003 792 сўм.
- Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг 2007 йил 17 декабрдаги 1498-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Урганч шаҳри, Хонка қўчаси, 97-уйда жойлашган, «Урганч йўловчи ташви» ОАЖга тегишли бўлган, қурилиш ости ер майдони 447,32 кв.м.ни ташкил қилган 2 қаватли маъмурий бино.
Бошланғич баҳоси — 150 144 596 сўм.
- Хоразм вилояти хўжалик судининг 2008 йил 29 майдаги 1966-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Хоразмқурилиш» ОАЖга қарашли, Урганч шаҳри, И. Досов қўчасида жойлашган, 1-сон ишлаб чиқариш филиали худудидида, қурилиш ости ер майдони 489,36 кв.м.ни ташкил қилган 3 қаватли маъмурий бино ва қозонхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 244 080 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аўкцион савдосида иштирок этиш истегидидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аўкцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мақсуд савдода қатнашиш истагидидаги талабгорлар савдо шартномасини билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фойсидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси — РКМБ Хоразм вилояти филиалининг АТИБ «Ипотекан» «Тинчлик» филиалида қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: 20210000700571452056, МФО 00580, ИНН 200933850.

Манзил: Урганч шаҳри, Й. Бобоқонов қўчаси, 23-уй.
Телефонлар: (8-362) 226-32-63, 226-43-64. www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 № 000004.
РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустақкам!

«МЕХРЛИ САВДО» ШУЪБА ҚОРХОНАСИ

2009 йилнинг II чорагида қўйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказишни ЭЪлон қилади:

САРИЁГ, I-КАТЕГОРИЯЛИ МУЗЛАТИЛГАН МОЛ ГЎШТИ.

Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар кун соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Нийсабек йўли 7-тор қўчаси, 27-уй.
Телефонлар: 237-14-59, 237-45-15. Факс: 237-14-92.

Тендер таклифларини қабул қилишининг сўнги муддати — 2009 йил 26 март куни соат 17.00 гача.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан рўйхатга олинган «NISHON MADINA» адвокатлик фирмаси (СТІР 205750009, ОКПО 2034589) 2009 йил 6 мартдаги таъсисчилари йиғилишининг қарорига асосан ўз фаолиятини тўтатади. Барча даъво ва эътирозлар ЭЪлон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомидида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Ҳамза тумани, Ахсикат к., 177-уй.
Тел.: 159-10-91, 405-14-29.



Кичик бизнеснинг ишончли ҳамкори

Хозирги кунда "Микрокредитбанк" мамлакатимизнинг узоқ қишлоқ ва маҳалаларидаги хонадонларга ҳам кириб бориб, уларга намунали хизмат турларини тақдим этиб келмоқда. Зеро, Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 16 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида таъкидлаганидек, ўтган икки йил давомида ушбу банк активлари миқдори 3,5 баробар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш ҳажми 4 баробарга ошди ва бу мақсадларга 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Айни пайтда банкнинг 79 филиали, 267 минибанки ҳамда 7 агентлиги аҳолига сифатли ва қулай молиявий хизмат кўрсатиш, инфрату-

Мамлакатимизда хусусий мулкчилик асослари яратилиб, тадбиркорлар учун кенг имкониятлар эшиги очилгани ушбу соҳа тараққиётида муҳим омил бўлмоқда. Республикаимиз янги ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши йил сайин ошиб бораётгани бунга яққол далил бўла олади. 2010 йилга бориб эса, бу кўрсаткични 50 — 52 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда. Ушбу жараёнда «Микрокредитбанк» акциядор-

лик тижорат банкининг ўзига хос ўрни бор, албатта. Дарҳақиқат, кейинги йилларда мазкур молиявий муассаса кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ва ривожлантириш учун барча имкониятларга эга бўлган универсал банк сифатида ўзини намоён эта олди. Яъни, ўзининг бизнес кўламини кенгайтириб, хизмат кўрсатиш ва микромолиялаш борасида рақобат муҳитини яратди.

таси ёки 1,7 миллиард сўмлиги лизинг хизматларидир. Кўрсатилган микролизинг хизматлари салмоғи микромолиявий хизматларга нисбатан 26,5 фоизни ва банк кредит қўйилмасига нисбатан 16 фоизни ташкил қилди. Бу хизматларнинг 62,6 фоизи туман филиаллари, 37,4 фоизи минибанклар томонидан кўрсатилди. Микролизинг хизматларининг 29 фоизи ёки 4,3 миллиард сўмлиги қишлоқ ҳўжалиги техникалари, 22,4 фоизи ёки 3,3 миллиард сўмлиги ишлаб чиқариш, 48,6 фоизи ёки 7,1 миллиард сўмлиги хизмат кўрсатиш тармоқларида



«МИКРОКРЕДИТБАНК»:

ФАРОВОНЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА


жуманда "Микрокредитбанк"нинг фаолияти тақдироти алоҳида эътиборга сазовор бўлди. "Микрокредитбанк", шунингдек, халқаро молия муассасалари билан ҳамкорлик қилиб, уларнинг имтиёзли кредитларини жалб этиш орқали миқозларнинг тақди иқтисодий фаолиятини юргизишлариға кўмаклашмоқда.

Мижозларга ташқи иқтисодий фаолият бўйича тўловларда қулайлик яратиш мақсадида банкда жазон молиявий телекоммуникациялар ҳамжамияти — «СВИФТ» тизими жорий этилганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бутунжаҳон микромолиявий ташкилотларининг ахборот алмашинуви — «MIX-MARKET» рейтинг агентлиги ҳисоботиға кўра, «Микрокредитбанк» Марказий Осиё ва Европада микрокредитлар бериш йўналиши бўйича жаҳоннинг энг яхши 100 та банки рўйхатиға киритилиб, 5 олмосли микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк сифатида эътироф этилди.

Россиянинг «Евротраст» банки «Мигом» ва «Райффайзенбанк»нинг «Быстрая Пochта» каби янги халқаро пул ўтказмалари тизимини «Микрокредитбанк»да ўрнатишға қарор қилганлиги эса бу борадаги ишларни янги сифат босқичиға қўтариши аниқ.

2007 йилнинг 16 октябрида «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури доирасида имзоланган ҳамкорлик келишувига асосан, жалб қилинган маблағ ҳисобидан Тошкент вилоятининг Зарқент (Паркент тумани) ва Ёнариқ (Кибрай тумани) қишлоқ фуқаролари йиғинларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари-



зилмани шакллантириш, фермерларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини юзага чиқариш мақсадида фаолият юритиб келмоқда. Мамлакатимизнинг чекка ҳудудлари ҳисобланмиш Қораўзақ ва Кўнғирот туманларида минибанк, Шуманай, Мўйноқ, Томди, Учқудуқ, Қонимех туманларида эса банк инфратузилмаси ташкил этилганлиги, айниқса, бу борадаги ишларни янада жадаллаштирди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға кўра, фермерларға энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида бериладиган микросармоянинг йиллик фоизи 5 фоиздан 3 фоизға, айланма маблағларни тўлдириш учун энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдорида бериладиган микрокредит Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 100 фоиздан 50

ят ва имтиёзлар яратиб берди.

Кредит сиёсатининг изчиллиги

Ўтган йил «Микрокредитбанк» учун муваффақиятли келди. Банк сармоясини аввалги йилдагиға нисбатан 68 фоизға ошди. Шунга мос равишда устав капитали 64 фоизға, активлар эса 146 фоизға кўпайди. 165 фоизға ортган кредит қўйилмасининг 26 фоизи қисқа муддатли ва 74 фоизи узоқ муддатли кредитларға тўғри келди. Кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида берилган кредит, кўрсатилган лизинг хизматларининг салмоғи 164 фоизға етди.

Бундан ташқари, банк кредит портфели 2007 йилдагиға нисбатан 1,7 баробарға ошди, 159,7 миллиард сўмни ташкил этди. Унинг 41,8 миллиард сўми қисқа муддатли кредит бўлса, 117,9 миллиард сўми узоқ муддатли кредитлардир.

Эътиборлиси, банк актив амалиётларини диверсификациялаш орқали кредит

нотиға 23,2 миллиард сўм, транспорт ва алоқа хизматиға ярим миллиард сўм, бошқа тармоқларға эса 30,7 миллиард сўм ажратилгани шундан далолат беради.

Банк кредит сиёсатидаги устувор вазифалардан яна бири — бу корпоратив бозор сегментида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, қишлоқ ҳўжалигиға хизмат кўрсатувчи, кимё саноати корхоналари ҳамда қурилиш ташкилотлари билан ўзаро муносабатларини ривожлантиришдан иборатдир. Айнан шу мақсадлар учун банк бир йил давомида 91,9 миллиард сўм кредит ажратди. Бу кўрсаткич 2007 йилдагиға нисбатан 61 фоизға кўпдир.

Сармоянинг қудратли кучи

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлариға микромолиявий хизматлар кўрсатиш бўйича белгиланган йиллик режа 123,2 фоизға бажарилиб, кўрсатилган микромолиявий хизматлар миқдори 55,4 миллиард сўмни ташкил этди. Жумладан, ажратилган микрокредитлар миқдори 40,7 миллиард сўмға етди.

Банк жамоаси иш билан банд бўлмаган ва кам таъминланган оилаларни микрокредит бериш орқали тадбиркорликка жалб этиш масаласиға алоҳида эътибор қаратаётгани ҳам иборатлидир. Натижада ўтган йили кам таъминланган 14103 оила банк маблағлари хисобига тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юборди. Шу билан бирга, ажратилган микрокредит ва кўрсатилган микролизинг хизматлари хисобига республика бўйича 56 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

"Микрокредитбанк"нинг сармоялари ҳаётин зарур маҳсулотларни ишлаб чиқариш, шунингдек, хизмат кўрсатишни яхшилашда ҳам муҳим омил бўлмоқда. Масалан, Наманган вилоятининг Чортоқ туманида фаолият кўрсатаётган "Ханифа Абдурахмон қизи" кўп тармоқли хусусий фирмаси банкнинг 4 миллион сўм микросармоясини эвазига тикувчилик ишларини йўлга қўйган эди. Пировардида фирма ишлаб чиқаришдан кўрилган фойда хисобига олинган микрокредитни қайтаришға ҳам улгурди. Шундан кейин банк фирма фаолиятини кенгайтириш учун яна 6 миллион сўм микросармоя берди. Эндиликда

худуддаги барча болалар боғчаси, санаторий, умумий овқатланиш корхоналарини арзон нарҳда тухум ва товۇқ гўшти билан таъминлаб келмоқда. Чунки уч сотих ерни эгаллаган товۇқхонада боқилаётган 600 га яқин паррандадан кунига 400 донагача тухум олинапти. Тадбиркор Маҳмуджон Орифбоев бундай самараға банкдан олган 4 миллион 800 миң сўм маблағ эвазига эришмоқда.

Кўргонтёпа туманидаги "Шус Стрейдинг" масъулияти



чекланган ҳамияти раҳбари Умрзоқ Солижонов банкнинг 10 миллион сўм микрокредити хисобига сифатли пайпоқ тикадиган 12 та дастгоҳ харид қилган эди. Бугун унинг маҳсулотлариға харидорлар кўп. Ҳатто маҳсулотнинг катта қисми Россияға экспорт қилинмоқда. Асосийси, хом ашё Кўргонтёпадаги "Само Шер текс" қўшма корхонаси томонидан узлуксиз етказиб берилмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, "Микрокредитбанк" маблағлари эвазига тадбиркорликни йўлга қўйиб, турли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган, ўз худудидиға аҳолиға намунали ва сифатли хизмат кўрсатаётган ишбилармонларнинг сонини тобора кўпаймоқда. Аҳолини иш билан таъминлашға кўмаклашувчи давлат жамғармаси ҳамда "Микрокредитбанк" маблағлари хисобига вилоятларда 622 та сартарошхона, 200 та ҳаммом, 373 та пойабзал таъмирлаш устaxonаси, 196 та суратхона, 466 та либослар ательеси ва 940 та бошқа турдаги хизматлар йўлга қўйилгани бунинг тасдиғидир.

Микролизинг хизмати кенгаймоқда

Банк ўтган йили 576 та кичик бизнес субъектиға 16,4 миллиард сўмлик лизинг хизмати кўрсатди. Унинг 536 таси ёки 14,7 миллиард сўмлиги микролизинг, 40

йўналтирилди.

Ушбу хизматларни кичик бизнес субъектлари бўйича таҳлил қилсак, 5,9 миллиард сўми фермер ҳўжаликларига, 5,4 миллиард сўми микрофирмаларға ва 5,2 миллиард сўми хусусий корхоналарға тўғри келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 августдаги "Қишлоқ ҳўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам усуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўرғазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ўтказилаётган "Agrominotech Expo" кўрғазма-савдосида ўтган йили банк миқдоридан 1,3 миллиард сўмлик 48 та шартнома имзоланди. Унинг 43 таси минитехнологиялар, 5 таси қишлоқ ҳўжалиги техникалари хариди учун тузилди. Жумладан, банкнинг Тошкент вилояти филиали Янгийўл туманидаги "Расулов Г.И." масъулияти чекланган жамиятиға микролизинг тарихида чет элдан 24 миллион сўмға замонавий мебель ясаш усуналарини олиб

берганидан кейин унинг ишлари жадаллашиб кетди. Бугунги кунда бу ерда жаҳон стандартлари даражасида турли хил мебель, эшик ва дераза ромлари тайёрланмоқда. Ана шу маҳсулотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳридаги дўконлар орқали истеъмолчиларға етказиб берилаетир.

Шунингдек, банкнинг Фарғона вилояти филиали томонидан Ўзбекистон туманидаги "Соҳибкор юлдузлари" хусусий корхонасига 25 миллион сўмлик имтиёзли микролизинг хизмати эвазига инкубатор олиб берилган эди. Натижада тухумни очиртишдан торттиб, гўшт топширишғача бўлган жараёнда мазкур корхонанинг ўзида амалға ошириш йўлга қўйилди. 15 нафар ишчи 10 мингтаға яқин паррандани парвартиш-ламоқда.

Анджондаги "Али Фамед" хусусий фирмаси эса банкнинг 30 миллион сўмлик микролизинг хизматини фойдаланиб, 50 нафарға яқин чеварни иш билан таъминлади. Улар тайёрлаётган 50 хилдаги трикотаж буюмлари харидорларға манзур бўлмоқда.

Ёш бизнесменлар ва тадбиркорлар эътиборда

Банк ва аҳоли муносабатларининг мустақамла-нишида ташкил этилаётган

кўрғазмали семинар ва кўрик-танловларнинг аҳамияти катта. "Ёш тадбиркор томонидан тақдим этилган энг яхши лойиҳа", "Ёш тадбиркор — юртға мададкор" сингари танловлар ҳамда "Тадбиркорлик — давр талаби", "Тадбиркор хотин-қизларға — "Микрокредитбанк" сармоялари" деб номланган семинарлар шулар сирасиға қиради.

Мана шундай тарғиб-ташвиқот ишлари натижасида республикамиз коллежларининг 1292 нафар ўқувчиси бошланғич сармоя сифатида 1,3 миллиард сўм миқдорида микрокредит олган бўлса, узоқ қишлоқ жойларда яшовчи ёш оилаларға 6,9 миллиард сўмлик истеъмол кредитлари ажратилди.

Банкнинг молиявий кўмакида жойларда чеварлик, пазандачилик сирларини ўргатувчи ўқув марказлари фаолияти ҳам кенгайиб борапти. Навоий вилоятидаги "Муслима Зийё", Хоразм вилоятидаги хусусий тадбиркор Нарғиза Раҳимованин ишлари бу борада бошқаларға ўрнак бўладиган даражада ташкил этилгани эътиборға лойиқдир.

Хотин-қизларнинг ишбилармонлик фаолиятини



кўллаб-қувватлаш мақсадида эса банк томонидан 13,2 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар берилиб, республика бўйича 16022 та янги иш ўринлари ташкил қилинди.

Халқаро алоқалар самараси

Ўтган йили банк Шарқий Европа ва МДХ давлатлари бўйича Микромолиялаш маркази томонидан Монголияда ўтказилган халқаро конференцияда илк мартаба иштирок этди. Ушбу ан-

жуманда "Микрокредитбанк"нинг фаолияти тақдироти алоҳида эътиборға сазовор бўлди. "Микрокредитбанк", шунингдек, халқаро молия муассасалари билан ҳамкорлик қилиб, уларнинг имтиёзли кредитларини жалб этиш орқали миқозларнинг тақди иқтисодий фаолиятини юргизишлариға кўмаклашмоқда.

га иссиқхона қуриш, узум навларини янгилаш ҳамда чорвачилик билан шуғулланиш учун микрокредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, "Микрокредитбанк" 180 га яқин пул ўтказмаларини амалға оширувчи шохобчаси мавжудлиги ва улар орқали бир йилда 50 мингдан ортиқ транзакциялар амалға оширилганлиги туфайли "Вестерн Юнион" пул ўтказмалари компаниясининг "Филиаллар тармоғининг энг яхши бошқаруви" номинацияси бўйича голиб бўлди.


Infin BANK

Азиз юртдошлар!

«Invest Finance Bank»

очиқ акциядорлик тижорат банки
жаннатмонанд юртимизда
истиқомат қилаётган барча-
барчани янгилашиш, уйғониш,
поклик ва эзгулик байрами —
Наврўзи олам билан қизгин
кутлайди.

Тинчлик, тараққиёт йўлидан
собиққадамлар билан бораётган
меҳнатсевар халқимиз ва она-
Ватанимизнинг келажаги
Наврўз байрамидек фусункор
ва тароватли бўлсин!



ALP JAMOL BANK

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

«Алп Жамол банк»


жамоаси

барча юртдошларимизни ва
ўз шижозларини ажойиб
бахор байрами —

Наврўз

билан муборакбод этади.

*Саломатлик,
бахт, шодлик, омад
ва муваффақият доимо
ёр бўлсин, қалбларингизни
ҳар қадон бахорий кайфият
тарқ этмасин!*



Нойтахтимизда ғаролият кўрсатаётган

«ИФФАТЛИ КЕЛИН»

*ўқув маркази Ўзбекистон халқини
ва юртимиз меҳмонларини баҳор,
яшарин байрами —*

Наврўзи олам

билан муборакбод этади.



*Тинчлик, сўҳбат-саломатлик,
оилавий бахт доимо
ҳамроҳингиз бўлсин!*

**Озиқ-овқат, енгил саноат ва ноозиқ-овқат товарлари
ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар, улгуржи базалар,
хунармандлар, истеъмолчилар диққатига!**



Иктисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, маҳаллий халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилишини рағбатлантириш, республика ҳудудида жойлашган улгуржи ва чакана савдо корхоналари билан товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги узвий алоқаларни мустахкамлаш, хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,
Беруний кўчаси, 41-уй,
«Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмасининг
«Халқ истеъмоли товарларининг кўргазма-ярмарка
савдоси республика маркази» биносида
шу йил 7-11 апрель кунлари

«Ёғмойзиковқатсаноат», «Ўзгўштсаноат», «Ўзбек-чармпойабзали», «Ўзэлтханоат» уюшмалари, «Ўзвино-саноат-холдинг», «Ўздонмахсулот», «Ўзбекингилсаноат», «Ўзқурилишматериаллари» компаниялари, «Ўзметкомбинат» бирлашмаси,

Республика Савдо-саноат палатаси, хусусий тадбиркорлар томонидан 2009 йилда ишлаб чиқариладиган гўшт ва сўт маҳсулотлари, қандолат ва макарон маҳсулотлари, салқин ичимликлар, консервалар, куруқ ва қайта ишланган мева-сабзавотлар, шунингдек, енгил саноат маҳсулотлари, машиий техника, қозғ буюмлар, маданий ва хўжалик молларини истеъмолчиларга етказиб бериш бўйича

**Республика
улгуржи-савдо ярмаркаси
ўтказилади.**

Ушбу ярмаркага, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи ҳамда улгуржи ва чакана савдо корхоналари, ташкилотлари, хусусий тадбиркорлар таклиф этилади.

Ярмаркага марҳамат!

«ЎЗУЛГУРЖИСАВДОИНВЕСТ» уюшмаси.

Телефонлар: 239-48-26, 239-46-03, 239-10-93, 239-46-97.

Муҳтарам газетхон!

Газетамизнинг ушбу сонидagi қўшаҳифа бепул илова қилинмоқда.

FIAT
GROUP

СН

«ЎзКейсСервис» ҚҚ
«ЎзКейсМаш» ҚҚ
«ЎзКейсТрактор» ҚҚ
жамоалари

Ўзбекистон халқини, ҳамкорлари
ва мижозларини баҳор байрами —

НАВРЎЗИ ОЛАМ


билан чин дилдан
муборакбод этади!

Сизларга эзгулик ва омад,
соғлиқ ва бахт, Ватанимизнинг
гуллаб-яшнаши йўлидаги
фаолиятингизда янгидан-янги
зафарлар тилаймиз!

Наврўзингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

Case IH 1200 ASM
сеялкаси

TEL.: 120 60 97 - 120 89 58



kdb

Korea Development Bank

UzKDB Bank

Ўз мижозлари, ҳамкорлари
ва кўп миллатли Ўзбекистон
халқини баҳор ва яшарин
байрами —

Наврўз

билан
чин дилдан
табриклайди!



PETRONAS

PETRONAS
CARIGALI
OVERSEAS



Ўзбекистон халқини баҳор байрами —
Наврўз билан қизгин муборакбод
этади ҳамда барганниза
сиҳат-саломатлик,
фаровонлик ва бахт-саодат
шилаб қолади!





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ

жамоаси
меҳнаткаш халқимиз
ҳамда барча ҳамкор
ва тадбиркорларни қадимий
ва навқирон байрам —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан самимий
муборақбод этади!

Янгиликлар ва яшарли фасли
қалбимизга илиқлик,
оилавий бахт-саодат,
ҳаётимизга янгидан-янги
муваффақиятлар олиб келсин.



ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ

компанияси жамоаси
барча юртдошларимизни

НАВРЎЗ

АЙЁМИ

билан самимий
кутлайди!



ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ

2008-2009 ўқув йили битирувчиларини ишга тақсим қилишга киришди.

Вазирликлар, концернлар, вилоятлар ва туманлар ҳокимиятлари, автосаноат, автотранспорт ва автотеххизмат корхоналари, автотўл ташкилотлари, касб-хунар коллежлари ва махсус автомактаблар раҳбарларидан, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, «Ватанпарвар» ташкилоти бўлиналари ва шунингдек, замонавий билимларга эга бўлган, компьютер технологияларини мукамал ўрганган, ҳар томонлама фаол битирувчиларимизга эҳтиёжи бўлган бошқа ташкилотлар раҳбарларидан буюртмаларни 15 апрелдан кечикмасдан 100060, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳўчаси, 20-уй манзилига ёки 232-14-39 рақамли факсга, ёки tadi info@edu.uz электрон почтамаизга контакт реквизитларингизни кўрсатган ҳолда юборишингизни сўраймиз.

Этиборингизга битирувчилар тўғрисидаги маълумотни ҳавола қиламиз.

(Г-давлат гранти асосида, Ш-шартнома асосида)

БАКАЛАВРИАТ

Таълим йўналишлари	Жами	Битирувчиларнинг доимий яшаш жойлари																												
		Андижон		Фарғона		Наманган		Тошкент ш.		Тошкент вил.		Қорақалпоғистон Республикаси		Сирдарё		Жиззах		Самарқанд		Навоий		Қашқадарё		Сурхондарё		Бухоро		Хоразм		
		Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	
Менежмент	19	45																												
Иқтисод	9	29	1	1	1	3	1	1	5	15	7	2	1	1	1															
Маркетинг	9	16																												
Бионолар ва иншоотлар қурилиши (транспорт)	27	61	1	2	5	1	4	19	6	11																				
Ер усти транспорт тизимлари (ЕУТТ)	48	112		7	1	2	2	1	12	27	5	16	2	2	1	4	3	13	4	7	12	3	1	3	3	2	3			
Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш (ТВИТ)	60	182	3	11	4	7	1	2	11	51	6	22	1	4	3	2	8	15	5	7	10	35	6	2	7	9	12			
Касбга ўқитиш (ЕУТТ)	17	38		2	1	3			9	2	6						2	4	1	5	6	7	1	3	3	1	1	4	1	
Касбга ўқитиш (ТВИТ)	16	42	1	2					1	4	15	2	7				3	3	3	2	5	3	1	3	1	1	4	1		
Атроф-муҳит муҳофазаси	12	18			3	2			1	1	8	1	3																	
Транспорт иншоотларидан фойдаланиш (автотўллар)	6	17		1					2	2	5	1	4																	
Кўтариш, ташиш, йўл қурилиши машиналари	5	12							2	4	1	6																		
Жами	227	572	6	26	9	21	8	9	46	178	24	89	1	10	1	11	2	8	15	38	19	28	50	85	1	18	19	24	17	21

МАГИСТРАТУРА

Магистратура мутахассислиги	Жами	Битирувчиларнинг доимий яшаш жойлари																												
		Андижон		Фарғона		Наманган		Тошкент ш.		Тошкент вил.		Қорақалпоғистон Республикаси		Сирдарё		Жиззах		Самарқанд		Навоий		Қашқадарё		Сурхондарё		Бухоро		Хоразм		
		Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	
Менежмент (транспорт)	2	6																												
Маркетинг	2	5																												
Автомобиллар	2	6																												
Йўл қурилиш машиналари	1	6		1																										
Кўтариш, ташиш машиналари	2	6																												
Транспортда ташишни ташкил этиш ва бошқариш	1	6																												
Харакатланиш хавфсизлиги ва уни ташкил этиш	1	7																												
Автомобиллар ва автомобиль хўжалиги	2	6																												
Ички ёнғув двигателларини синаш ва улардан фойдаланиш	1	5																												
Автомобиллар ва тракторларнинг электр жиҳозлари	0	4																												
Автомобил йўллари ва аэродромлар	2	8		1	1																									
Кўприклар ва транспорт тоннеллари	2	5																												
Касб-хунар ўқитиш фанлари методикаси	4	5																												
ТВИТ, ЕУТТ	1	6																												
Химмотология	1	6																												
Автосервис	2	5		1																										
Халқаро юк ташиш	1	3																												
Жами	26	89	2	1	1	3	11	41	2	23	1	2	1	1	3	1	2	4	5	1	1	1	1	1	1	3	1	4		

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти

КИЧИК ИЛМИЙ ХОДИМ ВАКАНТ ЛАВОЗИМИГА
ҚУЙИДАГИ ЛОЙИХАЛАРГА
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- Асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни таҳлил, ўрта ва узоқ муддатга прогноз қилиш.
- Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар ва уни диверсификациялаш, инвестициялар жалб қилиш.
- Ўрта ва узоқ муддатда иқтисодиётнинг ҳудудий мувозанатлигини таъминлаш.
- Пул-кредит ва валюта сиёсатини таҳлил, прогноз қилиш ва такомиллаштириш.
- Бюджет-солиқ сиёсатини таҳлил, прогноз қилиш ва такомиллаштириш.
- Ижтимоий ривожланишни таҳлил, ўрта ва узоқ муддатга прогноз қилиш.
- Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш.

Кичик илмий ходим лавозимига танловда иштирок этиш учун қўйиладиган талаб — иқтисодиёт магистри даражаси.

Тақдим этиладиган ҳужжатлар:

1. **Мажбурий:**
 - * суровнома (фотосурат билан);
 - * таржимаи ҳол;
 - * дипломлардан нусхалар (бакалавр, магистр);
 - * илмий мақолалар рўйхати;
 - * меҳнат дафтарчасидан нусха (иш фаолиятига эга бўлса).
2. **Қўшимча:**
 - * сертификатлар (ўқув курсларини ўтганлиги тўғрисида);
 - * охириги иш жойидан (ўқув муассасасидан) берилган тавсиянома;
 - * тавсиянома (таниқли олимлар ва амалиётчилардан).

Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб
бир ой муддат ичда қабул қилинади.


Манзил: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 2-уй (метронинг Хамид Олимжон бекати).
Маълумот учун телефонлар: 237-49-13, 237-26-32.

ООО «Росагропромснаб» предлагает:

СЧЕТЧИКИ ГАЗА

ультразвуковые «Гобой-1»

Цена - от 1 365 000 сум.



Ду, мм	Типоразмер	Мин. расход, Qмин, м³/час	Максим. расход, Qмакс, м³/час
25	G10	0,16	16(25)
40	G25	0,40	40(65)
65	G65	1,00	100(160)



На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Т. / ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90
Гарантийный срок на продукцию - 12 месяцев со дня установки.
Отдельно предприятие поставляет фильтры различных диаметров. Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-н Ц, д. 6 (ор-р - перекресток «Шухрат») **Товар сертифицирован**

